


Машҳурлик касали



13:30 / 28.07.2021 2072

Имом Авзоий роҳимаҳуллоҳ айтади:

«Ато ибн Аби Рабоҳ ўз вақтида энг буюк инсон эди. Унинг мажлисида еттита ёки саккизта инсон бўлар эди».

Эътибор беринг. Умавийлар халифасининг жарчиси ўша даврда: «Ҳажда инсонларга фақатгина Ато ибн Аби Рабоҳ фатво беради», деб жар солган эди. Буюк имомлардан Маймун ибн Миҳрон роҳимаҳуллоҳнинг айтишича, Атодан сўнг унга ўхшагани келмаган. Аммо шундай бўлсада, у дарсларида ҳозир бўлган кишиларнинг озлигидан жирканмасдан, дангасалик қилмасдан, зерикмасдан дарсда бардавом бўлган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал роҳимаҳуллоҳ ўзларининг «Муснад»ларини уч кишига мукамал айтганлар холос. Ҳанбал ибн Исҳоқ айтади:

«Аҳмад ибн Ҳанбал мени, Солиҳни ва Абдуллоҳни жамлаб бизга «Муснад»ни ўқиб берди. Уни биздан бошқа ҳеч ким эшитмаган. Ваҳоланки, у бизга бу китобдаги ҳадисларни етти юз эллик минг ҳадис ичидан танлаб олганини айтган эди». Яъни, имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳ «Муснад»ни шунча меҳнат ила жамлаган бўлсаларда уни учтагина инсонга имло қилишдан зерикмаганлар Аллоҳ рози бўлсин!

Инсон кўпчиликка қизиқади, кўпчилик унга ёқади. Мухлисларининг зиёда бўлганида қувонса, уларнинг камайганидан қалблар маҳзун бўлади. Бу тўғрисида нафслар турлича бўлади. Аммо бу жойда бошқа нарсани сўзламоқчимиз. Ҳақиқий даъватчини тингловчиларнинг озлиги мақсадидан чалғитмаслиги лозим. Унинг дарслари ва мавъизаларига келувчиларнинг озлиги унинг ғайратини сўндирмаслиги керак. Унинг вазифаси бу майдонда фақат етказишдир. Бу Набий алайҳис саломнинг йўллари дир.

Баъзи олимларнинг ҳаётига назар соладиган бўлсак уларнинг олдинги фаолиятида ниҳоятда оз инсон тинглагани, кейинчалик эса унинг сабри ва матонати сабаб тингловчилари беҳад кўпайиб кетганини кўраимиз.

Шайх Абдулкарим Хузайр ўзининг «Тафсири Қуртубий»ни дарс берганини шундай эслайди:

«Бу тафсирни 22 йил дарс бердим. Аввалда ниҳоятда озчилик келди дарсимга. Улар узилиб-узилиб келишар эди. Таълимнинг бошида бу табиий. Кўп толиблар эшитувчиларнинг озлиги учун дарсни ташлаб кетишади. Дарсдан энг кўп фойда оладиган киши устоздир. Мен айтар эдимки, дарсга келадиган бир кишига агар пул берсанг ҳам унинг сенга муҳтожлигидан сенинг унга муҳтожлигинг кўпроқдир!»

Абдурраҳмон ибн Маҳдий айтади:

«Мен жума намозига борар эдим. У ерда одам кўп бўлса хурсанд бўлар, одам оз бўлса хафа бўлар эдим. Буни Бишр ибн Мансурга айтдим. Шунда у деди:

«У ёмон мажлисдир. У ерга қайтиб борма!». Мен қайтиб у масжидга бормадим».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сабрлари ва матонатлари бу тўғрисида бизга гўзал намунадир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Абсани исломга даъват қилганларида у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Сен билан бирга кимлар бор?», деб сўраган эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Бир ҳур ва бир қул», деган эдилар. Ўшанда у зотнинг атрофларида фақатгина Абу Бакр ва Билол розияллоҳу анҳу бор эдилар.

Ибнул Жавзий роҳимаҳуллоҳ ўзининг «Талбису Иблис» китобида шундай дейди:

«Баъзилар тобеларининг кўплиги билан фахрланади. Шайтон унга «сен толибларнинг кўплигидан фахрланаяпсан, бунда ҳеч қандай ёмонлик йўқ» дейди. Аслида у асҳобларининг кўпайишини, номини чиқаришни, донг таратишни мақсад қилган бўлади. У тобеларининг сўзларидан ужбга кетади. Агар унинг тобелари ўзидан кўра олимроқ бошқа бир инсоннинг олдига кетса бу унинг нафсига оғирлик қилади. Бу таълимдаги ихлосли кишининг иши эмас».

Олимларнинг вазифаси етказиш. Ҳидоят қилиш Аллоҳнинг иши. Маълумки, мўъмин инсон одамлар ҳаққа ижобат қилишмаса хафа бўлади. Ана шу хафа бўлувчилар иккига бўлинади:

1. Инсонлар уни эшитишмагани учун хафа бўлади.
2. Инсонлар ҳақни қабул қилмаганлари учун хафа бўлади.

Иккинчиси мақтовга сазовор хафаликдир. Чунки биринчиси ўзига даъват қилади. Иккинчиси эса Аллоҳга даъват қилади. Бишр Ҳофий роҳимаҳуллоҳ: «Машҳурликни севадиган киши Аллоҳдан қўрқмайди», деганлар.

Аллоҳ барчамизни ислоҳ қилсин!

Абдулқодир Полвонов